

АТБ «КАПИТАЛБАНК»ДА КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ГАРОВ НАРСАСИНИ ГАРОВДАН ОЗОД ҚИЛИШ ВА АЛМАШТИРИШ ТАРТИБИ

Тошкент – 2025

1 БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур АТБ «Капиталбанк»да кредит операциялари бўйича гаров нарсасини гаровдан озод қилиш ва алмаштириш Тартиби (бундан кейин – “Тартиб”) Марказий банкнинг “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”ги Низомга (Адлия рўйхат рақами 3030, 02.07.2018 йилдан) мувофиқ гаров/таъминот нарсасини гаровдан, шу жумладан кредитнинг сўндирилган қисмига мутаносиб равишда босқичма-босқич озод қилиш ёки уни алмаштириш жараёнига ягона талабларни ўрнатиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, АТБ “Капиталбанк”нинг (бундан кейин – “Банк”) гаров/таъминот нарсасини гаровдан озод қилиш ёки алмаштириш жараёнида иштирок этувчи таркибий тузилмаларнинг ҳаракати кетма-кетлигини, шунингдек мазкур масала бўйича қарор қабул қилишда банк ваколатли органларининг ваколатларини белгилаб беради.

2. Мазкур Тартиб гаров/таъминот нарсасини гаровдан, шу жумладан кредитнинг сўндирилган қисмига мутаносиб равишда босқичма-босқич озод қилиш ёки уни алмаштириш жараёни бўйича амал қилиниши лозим бўлган қўлланма ҳисобланади.

3. Ушбу Тартибда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Қарз олувчи – кредит бўйича мажбуриятларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари — мулкчилик шаклидан қатъи назар юридик шахслар, юридик шахс ташкил этмаган яқка тартибдаги тадбиркорлар, жисмоний шахслар (шу жумладан, ўзини ўзи банд қилган шахслар).

Гаровга берувчи – ўз мулкни Қарздорнинг кредитлар бўйича мажбуриятларини таъминлаш сифатида гаровга қўядиган шахс бўлиб, гаровга қўйилган мулкни, шу жумладан босқичма-босқич, кредитнинг асосий қарзи қайтарилган суммага мутаносиб равишда гаровдан озод қилиш тўғрисида, ёки гаров предметини алмаштириш тўғрисида банкка ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризачи – Гаров қўювчи ёки Қарз олувчи.

Гаров нарсаси – гаров қўювчи томонидан гаров олувчига мажбурият бажарилишини таъминлаш мақсадида берилган ҳар қандай мулк ёки мулкрий ҳуқуқлар.

Кредит – иқтисодий моҳияти бўйича кредитга яқин бўлган операциялар, жумладан факторинг ва лизинг операциялари, банк кафолатлари ва кафилликлар бериш, пост-молиялаштириш/дисконтлаш/тўловни кечиктириш имконияти билан қопланмаган аккредитивлар очиш, овердрафт, микромолиялаш, кредит карталари, истеъмол ва ипотека кредитлари, шунингдек маблағларни йўқотиш таваккалчилиги билан боғлиқ бошқа кредит операциялари.

Кредит шартномаси – кредитлар бўйича шартномалар.

Филиал – банкнинг ҳар қандай филиали (Ягона филиалдан ташқари), Амалиёт бошқармаси (АБ), Марказий амалиёт бошқармаси (МАБ), банкнинг ҳар қайси Банк хизматлари маркази (БХМ).

Алоҳида бўлинма – банкнинг Ягона филиали таркибидаги ҳар бир смарт-банк / банк хизматлари офиси / мини-банк.

Мониторинг бўлинмаси – филиалларнинг корпоратив кредитлашни мониторинг қилиш бўлимлари, кичик бизнесни кредитлаш мониторинги бўлимлари, қарздорлик билан ишлаш секторлари (Қарздорликни ундириш департаментининг Банкнинг Алоҳида бўлинмаларида фаолият юритувчи таркибий бўлинма).

Банк ваколатли органлари – Акциядорларнинг умумий йиғилиши / Ягона акциядор, Банк кузатув кенгаши, Банк бошқаруви, кредитлаш, кредитлар мониторинги ва муаммоли активлар билан ишлаш масалалари бўйича Банк бошқаруви хузуридаги қўмиталари, Филиаллар / Алоҳида бўлинмаларнинг кредит қўмиталари.

2 БОБ. КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА ГАРОВ НАРСАЛАРИНИ ГАРОВДАН ОЗОД ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ ТАВСИФИ

4. Кредит шартномаси тузилгандан ва қарз олувчи кредитни олгандан кейин, кредит шартномаларининг айрим шартлари қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши мумкин, бунда ташаббускор ҳам банк, ҳам Қарз олувчи бўлиши мумкин. Кредит шартномаларига киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма шаклда расмийлаштирилгандан сўнг кучга киради.

Қарз олувчи ёки гаровга қўювчининг гаровга қўйилган мулкни, шу жумладан босқичма-босқич, кредитнинг асосий қарзи қайтарилган суммага мутаносиб равишда гаровдан озод қилиш тўғрисида, ёки гаров нарсасини алмаштириш тўғрисида аризаси банкда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Хужжатларнинг тўлиқ тўплами тақдим этилгандан кейин, мазкур аризани кўриб чиқиш муддати банкда рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб 15 (ўн беш) календар кунини ташкил этади.

5. Гаров нарсасини Гаровдан, шу жумладан босқичма-босқич озод қилиш ёки алмаштиришга оид кредит шартномаси шартларига ўзгартишлар киритиш, банкнинг тегишли ваколатли органининг ижобий қарори асосида амалга оширилади ва бу қарор банкнинг Кредит сиёсати / Муаммоли активлар билан ишлаш сиёсатида белгиланган лимитлар ва чекловлар доирасида қабул қилинади, агар алоҳида кредит маҳсулотлари паспортларида бошқача белгиланмаган бўлса.

Банкнинг ваколатли органи томонидан гаров нарсасини гаровдан озод қилиш ёки алмаштириш масаласини кўриб чиқиб тегишли қарор қабул қилинганидан сўнг, ариза берувчига қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабар 3 (уч) банк куни ичида юборилади.

Агар гаров нарсасини гаровдан (шу жумладан босқичма-босқич) озод қилиш ёки уни алмаштириш бўйича рад этиш қарори қабул қилинган бўлса, ариза берувчига рад этиш сабабларини асослаб ёзилган ёзма хабар юборилади. Унда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

- рад этиш қарори қабул қилинишига асос бўлган аниқ ҳолатлар;
- аниқланган камчилик ёки бузилишларни бартараф этиш бўйича тавсиялар (агар уларни бартараф этиш имкони бўлса);
- рад этиш сабаблари бартараф этилгандан кейин қайта мурожаат қилиш ҳуқуқи тўғрисида маълумот.

6. Банк Қарз олувчилар / Гаровга қўювчиларнинг бир ёки бир нечта гаров нарсасини, шу жумладан гаровнинг бир қисмини (бир нечта гаров нарсаси мавжуд бўлса) гаровдан озод қилиш ёки уни алмаштириш тўғрисидаги аризаларини, қуйидаги шартларга риоя қилинганда кўриб чиқиши мумкин:

- Кредит шартномаси бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги ва қарз олувчи томонидан шартнома шартларига тўлиқ риоя этилиши;
- Гаров таъминоти миқдори, Банкнинг ички қоидалари (хужжатлари), кредит маҳсулотлари паспортлари, банкнинг ваколатли органлари қарорлари ва Томонлар ўртасида тузилган шартномалар билан ўрнатилган таъминот миқдори/гаров суммаси ҳажмини ҳисобга олган ҳолда кредит бўйича сўндирилмаган қарздорлик қолдиғи миқдоридан ошиши;
- Алмаштириш учун таклиф этилаётган янги таъминот бўйича ҳуқуқий мақоми ва бозор қийматини тасдиқловчи хужжатлар ҳамда банкнинг ички қоидаларига (хужжатларига) мувофиқ бошқа зарур хужжатлар тақдим этилиши;

7. Гаровни озод қилиш (алмаштириш) банкнинг ички қоидаларига мувофиқ равишда қарздорнинг банк олдидаги мажбуриятлари бўйича таъминот етарлилиги ва ликвидлилиги сақланганида амалга оширилади.

8. Қарз олувчи ёки Гаровга қўювчидан гаровни озод қилиш ёки алмаштириш тўғрисидаги мурожаат келиб тушганидан ва ҳужжатларнинг тўлиқ тўплами қабул қилинганидан кейин, мониторинг бўлинмаси ходими қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

– Қарз олувчи томонидан кредит шартномаси бўйича мажбуриятлари бажарилишини текширади;

– Гаров нарсаи гаровдан озод қилингандан ёки алмаштирилгандан кейинги қарздорлик қолдиғининг таъминот билан қопланганлик даражасини ва гаров нарсаининг назарда тутилаётган гаров қийматини ҳисоблайди;

– Мол-мулкнинг ҳуқуқий мақомини ҳамда унга нисбатан чекловлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади;

– Кредит сиёсатида белгиланган тартибда банкнинг ваколатли органига кўриб чиқиш учун хулоса тайёрлайди.

9. Банкнинг ваколатли органи ижобий қарор қабул қилганидан кейин, мониторинг бўлинмаси ходими томонидан Филиал ёки Алоҳида бўлинманинг юридик хизмати билан биргаликда кредит шартномасига қўшимча келишув тузилади, тегишли гаров шартномалари ва бошқа зарур ҳужжатларни тайёрланади ҳамда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилади.

10. Янги гаров нарсаини қабул қилиш тартиби банкнинг ички қоидалари, кредит маҳсулотлари паспортлари ва банкнинг ваколатли органлари қарорларига мувофиқ амалга оширилади.

11. Банк қуйидаги ҳолатлардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлганда, гаровни озод қилиш ёки алмаштиришни рад этиш ҳуқуқига эга:

– Муддати ўтган қарздорлик мавжудлиги ва/ёки Қарз олувчи томонидан банк олдидаги кредит шартномалари, кредитлар тақдим этиш бўйича бошқа шартномалари, шунингдек суғурта шартномалари ва бошқалар бўйича мажбуриятларининг бажарилмаслиги (шу жумладан, ўз муддатида бажарилмаслиги);

– қарз олувчининг молиявий аҳволининг ёмонлашиши;

– қолаётган ёки таклиф этилаётган таъминот қиймати ёки ликвидлилиги етарли эмаслиги;

– гаровга таклиф этилаётган мулкни қабул қилишга тўсқинлик қилувчи таъқиқлар/чекловлар мавжудлиги;

– агар таклиф этилаётган гаров тури алмаштирилаётган гаров туридан фарқ қилса;

– гаровда қолаётган ва/ёки гаровга таклиф этилаётган таъминотга нисбатан, гаров ҳуқуқини реализация қилишга келгусидаги чекловлар ёки ёки тўсқинликлар эҳтимоли тўғрисида банкда асосли маълумотлар мавжуд бўлганда, шу жумладан қонунчиликда келгусида юзага келаётган мазкур гаров тури айланмасини чекловчи ўзгаришлар, таклиф этилаётган гаров таъминотига учинчи шахсларнинг эътирозлари/талаблари мавжудлиги, таклиф этилаётган таъминотнинг чекланган ҳуқуқий мақомдаги ёки чеклов ўрнатилиши режалаштирилаётган ҳудудларда жойлашганлиги ва ҳ.к.;

– Қарз олувчи / Гаровга қўювчи томонидан маълумотларни тақдим этиш шартлари бузилиши – молиявий ҳолати, фаолияти ёки таъминот сифатида тақдим этилаётган гаров нарсаи тўғрисида маълумотларни тақдим этмаслик ки нотўғри (ҳаққаоний бўлмаган) маълумотларни тақдим этиш;

– ваколатли органлар томонидан Қарз олувчи / Гаровга қўювчининг мулкига таъқиқ/хатлов ёки бошқа чекловлар қўйилиши;

– қонунчилик ёки банк ички қоидаларига мувофиқ розилиги талаб этиладиган қўшимча қарздорлар ва бошқа учинчи шахсларнинг розилиги мавжуд эмаслиги;

– гаров сифатида таклиф этилган мулк ёки унга бўлган ҳуқуқларга нисбатан суд низолари мавжуд бўлиши.

12. Қарздорликни қоплаш мақсадида, Банк гаров нарсасини гаровга қўювчи билан келишилган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суддан ташқари тартибда реализация қилиш ҳуқуқига эга.

Гаров нарсаси реализация қилинганидан қарздорлик сўндирилганидан сўнг, Банк қарз олувчи ва гаровга қўювчига гаров нарсаси сотилишидан келиб тушган пул маблағлари кредит бўйича қарздорликни сўндиришга ва бошқа харажатларга йўналтирилганлиги тўғрисида маълумотларни ёзма равишда юборади.

13. Ушбу Тартиб ҳамда “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”ги Низом (Адлия рўйхат рақами 3030, 02.07.2018 йилдан) талабларини амалга ошириш мақсадларида, гаров нарсасини озод қилиш ва алмаштириш тўғрисида мазкур Тартибнинг 1-сон иловасига мувофиқ гаров шартномасига намунавий банд тасдиқлансин.

Ушбу Тартиб кучга киргунга қадар тузилган гаров шартномалари бўйича, тегишли ўзгартишлар Қарз олувчи / Гаровга қўювчининг гаров нарсасини озод қилиш ёки алмаштириш тўғрисидаги илк муурожаати вақтида қўшимча келишувлар тузиш орқали киритилади.

3 БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14. Ушбу Тартиб тасдиқланган пайдан бошлаб кучга киради.

15. Ушбу Тартибда назарда тутилмаган масалалар банкнинг Кредит сиёсати, банкнинг ички қоидалари, Банк Устави ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан тартибга солинади.

16. Агар келгусида ушбу Тартибнинг айрим қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки Банк Уставига зид келадиган ҳолат юзага келса, ушбу Тартибга тегишли ўзгартишлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Банк Уставига мувофиқ тартибда иш тутилади.

17. Ушбу Тартиб ижроси устидан назорат қўйидаги бўлим ва департаментлар зиммасига юкланади:

- Корпоратив кредитлаш мониторинги департаменти;
- Кичик бизнесни кредитлаш мониторинги департаменти;
- Корпоратив кредитлаш департаменти;
- Кичик бизнесни кредитлаш департаменти;
- Чакана кредитлаш департаменти;
- Қарздорликни ундириш департаменти;
- Муаммоли активлар билан ишлаш департаменти.

Ушбу Тартибга киритиладиган барча ўзгартиш ва қўшимчалар банкнинг ички қоидалари учун белгиланган тартибда тасдиқланиши лозим.